

127

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари XIII қақирқ Тошкент об-
ласть Советининг I сессияси бў-
либ ўтди.

Сессия меҳнаткашлар депу-
татлари Тошкент об-
ласть икромия комитетини тўзди.
Депутат С. А. Асомов Тошкент
область Совети икромия комитет-
ининг раиси қилиб сайланди.
Область Совети икромия комитет-
и раисининг биринчи ўринбо-
сари қилиб депутат С. Т. Тош-
қулов, депутатлар — И. И. Ма-
матисаев, С. А. Раҳматхужаева
ва Н. И. Белоусов раис ўринбо-
сарлари қилиб, депутат — У.
Бузуков икромия комитет сек-
ретари, депутатлар — Т. М. Ор-
тиқхужаев, А. А. Валиев, Г. З.
Зокіров, М. М. Мирзаев, М. М.
Мусахонов, В. Мусаева, М. И.
Слесаренко, Т. Турдалиев,
Я. К. Эдчибеков икромия коми-
тет аъзолари қилиб сайланди-
лар.

Меҳнаткашлар депутатлари
область Советининг 16 та дои-
мий комиссияси ташкил этилди.
В. М. Муҳамедов план-бюджет,
М. Муллаев савдо ва умумий
овқатланиш, К. М. Қадирбеков
соғлиқни сақлаш ва социал таъ-
минот, С. П. Пулатов ирригация
ва мелiorация, А. Имомов
қилиш хўжалиги, А. Г. Гуло-
мов аҳолининг кўпчилик хизмат
кўрсатиш, К. М. Тимофеев са-
ноат, В. Н. Рибалко коммунал
хўжалик ва ободонлаштириш,
А. И. Шукратов муҳофаа-нис-
моний тарбия ишлари, В. А.
Ларин халқ маорифи, Б. С.
Тошхўжаев ёшлар иши бўйича,
Ж. Маликов социалистик кону-
чили ва жамоат тартибини
сақлаш бўйича, Ш. Н. Тош-
пулатов маданий-оқартув иш-
лари бўйича, З. Ф. Эрнарзоров
транспорт ва алоқа бўйича, В. П.
Хегай табиати муҳофаза қи-
лиш, Н. А. Масленников кури-
лиш бўйича доимий комиссия
раислари қилиб сайландилар.

Сессия область икромия коми-
тетининг бўлим мудири ва бош-
қарма бошлиқларини ҳам
тасдиқлади. Депутат А. А. Ва-
лиев план комиссиясининг ра-
иси қилиб тасдиқланди. Б. У.
Тошбеков соғлиқни сақлаш бў-
лими, М. И. Ишонов халқ
маорифи бўлими, Г. И. Гонча-
ренко умумий бўлим, С. Е. Зо-
киров таъхилий-инструктонлик
бўлими, И. Х. Усмонхўжаев ку-
рилиш ва архитектура бўлими,
Г. Х. Хусанов социал таъминот
бўлими, Я. К. Эдчибеков молия
бўлими, М. У. Усмонов юсти-
ция бўлими, А. А. Севуяни
меҳнат ресурсларидан фойдала-
ниш бўлими, Э. И. Ганиева
нарколар бўлими, Р. Алимова
ЗАГС бўлимининг мудири қи-
либ тасдиқландилар. Г. З.
Зокіров ички ишлар бошқар-
маси, М. Х. Юсуфхўжаев мадани-
ят бошқармаси, С. Ш. Муталов
маҳаллий саноат бошқармаси,
В. У. Усмонов сугорни тармоқ-
лари, Т. М. Ортиқхўжаев қиш-
лоқ хўжалик бошқармаси, Х. Т.
Турдиев автомобиль йўллари

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ГУЛИСТОН, 25 июнь. (ЎзТАГ).
Бугун Сирдарё об-
ласть пахтакор-
ларининг кенгаши бўлиб ўтди.
Кенгаш қатнашчилари Ўзга-
рнинг кўчатириш юзасидан ўт-
казилаётган чоралар тўғрисида об-
ласть партия комитетининг бирин-
чи секретари К. А. Ахмедов до-
кладни муҳокама қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари юксак
маъбуриятларни бажармоқ учун
областада ҳамма шарт-шароитлар
борлигини, Ўзга парварнишни ях-
шилаш муҳим иш эканлигини айт-
дилар. Кенгаш қабул қилган му-
рожаатда область пахтакорларини
мўл ҳосил тўплаш ва ватанга 500
миг тонна «оқ олтин» сотиш
учун бор куч-қувватларини ишга
соллишга даъват этди.

Кенгашда КПСС Марказий Ко-
митети Сибей Бюросининг аъзо-
лигига кандидат, Ўзбекистон Ко-
мпартияси Марказий Комитетининг
Биринчи секретари Ш. Р. Раши-
дов нутқ сўзлади.

Кенгашда Тошкент шаҳар пар-
тия комитетининг биринчи секре-
тари С. Р. Расулов, Сирдарё об-
ласть хўжалиқларини оқликда
олган Тошкент меҳнаткашлари кол-
лективларининг вакиллари ишти-
рок этишди.

куриш ва ремонт қилиш бош-
қармаси, О. У. Юсупова савдо,
Б. А. Коипов кинофикация,
М. М. Мирхўжаев коммунал
хўжалиги, А. Матиев ипакчи-
лик, В. Ю. Нўлдошев ишлаб
чиқариш техника алоқа бошқар-
маси, Қ. Қ. Узоқов матбуот бў-
йича, Д. Р. Ризаев статистика,
бошқармасининг бошлиқлари,
Н. Д. Жалолов физкультура
ва спорт комитет рай-
си, Б. А. Аракелян пах-
тачилик совхозлари трес-
тининг директори, Р. М. Альбеков
«Ташадвисовхоз» трес-
тининг бошқарувчиси, А. Ф. Фахрул-
лаев, «Ташағдубтрест» бош-
қарувчиси, С. Д. Киселев об-
ласть «Усельхозтехника» бир-
лашмасининг раиси, Т. У. Ота-
метов «Ташағдубтрест» бош-
қарувчиси, А. М. Бахронов
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
тайёрлаш бўйича область давлат
инспекциясининг бошлиғи қилиб
тасдиқланди.

Область халқ контроли коми-
тети ташкил этилди. Комитет
раислигига А. И. Икромов та-
йинланди.

Сессияда, шунингдек область
икромия комитети ҳузурида бало-
ғатга етмаганлар иши бўйича
комиссияси ташкил этилди. Ко-
миссия раиси қилиб С. А. Раҳ-
матхўжаева тасдиқланди. Об-
ласть икромия комитети ҳузури-
да кузатиш комиссияси ҳам
ташкил этилди. И. И. Мамати-
саев шу комиссиянинг раиси
этиб тасдиқланди.

Сессияда КПСС XXIV съез-
ди қарорлари юзасидан меҳнат-
кашлар депутатлари маҳаллий
Советлари олдига турган вази-
фалар муҳокама қилинди. Бу
масала юзасидан область пар-
тия комитетининг иккинчи сек-
ретари Б. М. Истомин доклад
қилди. Доклад юзасидан музо-
караларда Ўзбекистон район пар-
тия комитетининг биринчи сек-
ретари Т. Шамисев, Чирчиқ
шаҳар икромия комитетининг
раиси В. А. Ларин, Янгйўл
район Эски қонувчи қишлоқ
Совети икромия комитетининг
раиси Р. Т. Отабекова, Ангрен
шаҳар босмахонасининг ҳарф
терувчиси Л. В. Бахтерева, «Ўз-
га» совхозининг зверо бошлиғи
М. А. Ковалёва, Янгйўл ё-
мол комбинатининг илчиси Х.
Миналов ўртоқлар қатнашди.

Сессияда ўтган йил область
маҳаллий бюджетининг бажари-
лиши ва 1971 йил беш ойлик
маҳаллий бюджетни бажарили-
шининг бориши тўғрисидаги ма-
сала муҳокама қилинди.

Шунингдек, сайловчиларнинг
наказлари ва уларни амалга
ошириш тадбирлари тўғрисида-
ги масала ҳам муҳокама қилин-
ди.

Муҳокама қилинган масала-
лар юзасидан қарорлар қабул
қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон
ССР Министрлар Совети Раис-
лиг Биринчи ўринбосари ўртоқ
Т. Н. Осетров қатнашди.



«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» за-
водидagi машина-хўжалик
станциясида шиллоқларнинг
қўчилигини ёшлар ташкил қи-
лади. Улар нарядлар, табеллар
ва бошқа операцияларни қайта
ишлаб чиқардилар. Лидия Ивлева
шу даргоҳда тўрт йилдан бери
ишламоқда. Бу оператор қиз
вазифасини сидиқидилан бажар-
ляпти. У ишлаш билан бирга
Тошкент енгил саноат инсти-
тутининг 5 курсида таълим ол-
ляпти. Суратда: Лидия Ивлева
иш устиди.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

18-йил чиқиши.

№ 127 (4333).

26
И Ю Н Ъ
Ш А Н Б А

1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

ПЕШҚАДАМ БРИГАДАДА

Коммунист Шарофат Худой-
бердиева бошқарма бригадаси
Чирчиқ районидagi «Ленин йў-
ли» колхозида пешқаддам ҳисоб-
ланади. Деҳқонлар астойдил
меҳнат қилиб, пахта етишти-
ришни қўлайтиришда йил сайин
янгидан-янги ғалабаларни қўлга
яритмоқдалар. Ўтган йили 122
гектар ернинг ҳар гектаридан
27 центнердан «оқ олтин» те-
риб олган колхозчилар бу йил
30 центнерлик маррани қўла-
ёттирлар.

Барча майдондаги ғўза уч
марта узунасига ва иккинчи марта
қўндалангига култивация қи-
линди, озиклантириб сугорилди.
Бригаданинг агротехника қонда-

лари асосида сифатли парва-
рини қилинаётган ғўзалари те-
кис гулга кирди. Звено бошлиқ-
лари механизатор Қўчқор Ашур-
ов, Эшбой Қўшбоев, Маҳамат
Ахмедов ўртоқлар ҳар туп ни-
ҳолни меҳр билан парварини
қилаёттирлар. Қорасоч Абдулла-
ева, Янгилас Фармонова, Гулно-
ра Абдалимова сингари колхоз-
чилар кунига 1,5—2 норма ба-
жарайтирлар.

Бригадада Раҳмонқул Эгам-
бердиев, Сотиболди Хайитбоев,
Исроил Ботиров, Асқар Ниш-
онов ўртоқлар сингари моҳир
сувчилар бор. Улар ғўзани ке-
ча-кундуз қондириб сугориш-
монда.

Бригадада колхозчилар учун
ҳамма қўлайликлар яратиб бе-
рилган. Ариқ бўйига, баҳаво
жойга қурилган янги шийпонда
колхозчилар ҳордиқ чинаради-
лар. У ерда радиопрёмник,
телевизор бор. Газ ҳамда сотув-
чиносиз магазин ишлаб ту-
рибди. Шийпонда иссиқ ов-
қат ташкил қилинган. Пропа-
гандист шийпонга келиб ҳафта-
да иккинчи марта колхозчилар би-
лан съезд материаллари юзаси-
дан доклад ва сўхбатлар уюш-
тиради. Мава шунинг учун ҳам
бригадада иш яхши бораётир.

Т. НҲЛДОШЕВ,
А. ДОЛИМОВ.

Ўзанинг ҳолатини ҳисобга олиб, сугоришни
кечасию-кундузи ўтказайлик. Бирон туп ҳам
ғўзанинг чанқаб қолишига йўл қўймайлик.
Ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан сувчининг
ўз ишини тўғри, аниқ ва моҳирона ташкил
қилишига боғлиқ эканлигини унутмайлик.

(Тошкент область қишлоқ хўжалиги ходимларининг муножаати дан).



ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ДАВЛАТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ВАЗИФА

«Советская Россия» газетаси
ўзининг иккинчи сонида газетхо-
ларга Москва области меҳнаткаш-
ларининг область миқёсида ем-ха-
шак тайёрлашга бағишланган
оммавий шанбалик ўтказиб, қи-
матли ташаббус кўрсатганликла-
рини ҳикоя қилиб берган эди. Бу
иш 20 июнь кўни ҳам давом эт-
тирилди.

Кеча шанбалик ва яқшанбалик
ақулилар чинарди. Областдаги
109 миғдан ортиқ ишчи, колхоз-
чи, хизматчи, партия, совет, касба
союз ва комсомол ходимлари, шу-
нингдек, Москва шаҳрининг оқлик
қилувчи бир қанча районларидаги
меҳнаткашлар пичан ўрнига чи-
қдилар. Машина билан ўт ўриб бў-
лайдиган жойлардаги — ўрмон
аяланликларидagi, йўл ёқаларида-
ги, жарликлардаги ўтларини одам-
лар қалчи билан ўриб олишиб,
салкам 5 миғ гектар ана шундай
ноқулай жойларда пичан тайёр-
ладилар! Шу тарзда 10 миғ тонна-
дан ортиқ силосбон ўт, сенаж пич-
ан ва ўт талқони ғамлаб олинди.

Ем-хашак тайёрлашга бағиш-
лаб ўтказилган Москва областидagi
биринчи оммавий шанбалик ақойиб
муваффақият билан тугалланди.
Москваликлар бу ишда шахсан
афр иштиёқ билан қатнашганлик-
лари, чорвачилик учун ем-хашак
тайёрлаш ҳозирги кунда давлат
аҳамиятига эга бўлган энг муҳим
вазифа эканлигини тушунишлари
қўлайлиги ана шундай муваф-
фақиятга эришилди. Корхоналар
ва муассасаларнинг коллективла-
рида, колхоз ва совхозларда шан-
баликка барвақт ҳар томонлама
тайёргарлик қўрилганлиги, партия,
совет, касба союз, комсомол, хў-
жалик органлари катта ташкилот-
чилик иш олиб бораётганлиги катта
роль ўйнади. Жуда катта шанба-
лик ҳамма икки-чиркиларига
пучта ўйлаб ташкил қилинди. Ҳа-
ма нараса — кўп миғнаб қишлоқ-
нинг қалғилар, атомашаналар,
озик-овқат, қўноқ билан таъмин-
ланиш ҳисобга олиб дарҳақиқат,
бир қанча коллективлар жума кў-
ни кечкурун биланланган жойга
ўз палаткалари билан келиб, ша-
мба кўни эрта тонгдаёқ шунинг
қурилаган ўтти ўрнига қиришди-
лар. Ҳар бир коллектив ўз ула-
скасини аввалдан билар эди, шу-
нинг учун ҳам дастлабки дақиқа-
лардан сўнгги дақиқаларгача тўх-
товсиз ишлаш мумкин бўлди. Бир-

гина шанба кўнининг ўнда қилин-
ган айрим ишларини эслатиб ўта-
миз:

ПОДОЛЬСК. Шаҳарликлардан
олти миғдан ортиқ қиш ҳафта
колхоз ва совхоз ходимларидан
тўрт миғ қиш қатнашди. 800
тонна силос, 200 тонна пичан, 6
тонна витамин талқони тайёрла-
нди.

МОЖАЙСК. Ем-хашак тайёр-
лашга бағишланган ва юзлаб ша-
ҳарликлар қатнашган биринчи
оммавий область шанбалиги кўни-
да ўтлоқлар ва пичанзорлардан
3.000 тонна кўкўт ўриб олинди.

ДОМОДЕОВО. Шанбалик кўни
ем-хашак тайёрлашда саноат кор-
хоналари ва қурилишларининг иш-
чиларидан, хизматчиларидан 1.450
киши қишлоқ меҳнатчиларига ёр-
дам берди. Ҳамининг куч-тайрати
билан 460 тонна кўкўт ҳафтадан
бостирилди. Пичан ўриш, та-
пиш, жойлашда 38 автомашина,
40 трактор, 14 трактор қосилмаси
ва 26 трактор телекаси ишлади.

ИСТРА. Ем-хашак тайёрлаш
учун ўтказилган шанбаликда ша-
ҳарликлардан салкам 3 миғ қиш
қатнашди. Уларнинг ёрдамида 120
гектар ердаги табиий ўт ўриб
олинди, 1.300 тонна силос бости-
рилди, 50 гектар ердаги илди ме-
вали ўсимликлар ўтқ қилинди.

НОГИНСК. Район хўжалиқлари-
да пичан ўриш билан бирга илди
мева ўсимликларини ўтқ қилишга
катта эътибор берилди. Масалан,
Горький номи совхозда 850 кўни-
лиги ёрдамчи 12 гектар ердаги
хашак далаги орасидagi бегона
ўтларини юлб ташладилар.

Москва области совхозлари, кол-
хозлари ва паррандачилик фабри-
каларининг меҳнатчилари ўзларини
оталикка олган ташкилотларга,
шанбалик ишанбаллиларнинг ҳамма
қатнашчиларига зарбдор меҳнат
қилганликлари ва ем-хашак тай-
ёрлашда катта ёрдам берганлиги
рлар учун самийи миғнабдорчи-
лик билдирдилар. Москва область
партия комитети, Москва область
икромия комитети, область касба
союзлари совети ва Москва об-
ласть комсомол комитети шанба-
лик, яқшанбалик ақулилари тўғри-
сида биргаликда қилинган қарорда
таъкидлаб ўтганлардек, 1971—
1972 йил қишлоқида чорва мол-
лари ем-хашак билан тўла-тўқис
таъминлаб қўйиш учун яхши асос
соллинди. 1 июлга қадар табиий ни-
чанзорлардаги ўтнинг биринчи

ўрмининг асосан тугаллаш ва эки-
ладиган бир йиллик ва кўп йиллик
ўтларини ўриб олишни кенг миқё-
да авж олдириш максат қилиб
қўйилди. Айни вақтда илди мева-
ли ўсимликлар, маккажўхори,
кунгабоқар ва озуқабон бошқа эки-
ларини уюшқонлик билан парва-
рини қилинади. Фавқулодда муҳим
бўлган ана шу муҳим ишда Моск-
ва области қишлоқларини оталикка
олган ташкилотлар қишлоқ меҳ-
натчиларига ақил, амалий ёрдам
берадилар.

Ем-хашак тайёрлашга бағиш-
лаб ўтказилган биринчи оммавий шан-
балик ва яқшанбаликнинг ташкил
этиш соҳасида Москва област-
ининг меҳнаткашлари бошлаган та-
шаббус жуда катта аҳамиятга эга.
Бу ташаббус москвалиларнинг
ўзигагина эмас, шу билан бирга
Россия Федерациясининг ҳамма
автоном республикалар, ўлкалар
ва областларга ҳам ем-хашак тай-
ёрлашдан ноборат жуда муҳим
қаланига янги резервлар ва им-
кониятлар очиб берди. Москва
область қишлоқ хўжалик ходим-
лари, барча меҳнаткашлари ҳам-
малари биргаликда ўз оқликларига
— бутун ем-хашакнинг йиништириб
олиш ва ғамлаб қўйиш, унинг юк-
сак сифатли бўлишини таъмин-
лаш, далададаги ва табиий қиш-
лоқ хўжалик пичанзорларидagi
корпор тошга ҳам ўтнинг далада
қилиб кетишига йўл қўймаслик ва
етарли инжорда пичан, силос, се-
наж, илди мева ўсимликлар ҳо-
латини тайёрлаш вазифасини ўз
оқликларига қўйдилар. Ҳозир кўп
йил фурсатини бой бермай, ҳамма
жойда, айнакка оммавий шанба-
ликлар ва яқшанбаликлар кунла-
рида ноқулай ерлардаги ҳамма
ўтларини ўз вақтида ўриб олиш
босқини москвалиларнинг қи-
матли таъхирбасини қўллаб-қувват-
лаб ўз шартноларидида қўнган
жуда муҳимдир. Ҳозир корхона
ва муассасалар коллективла-
рида, колхоз ва совхозларда пар-
тия, совет, касба союз, комсомол
ортанлари ана шу биринчи дара-
жали иш билан актив шугуллан-
ишлари лозим. Энг муҳими —
ғамлаб вақтдан фойдаланиб қо-
лишди. Шу сабабли яқин шанба
ва яқшанбаликнинг ўндаёқ кўп жой-
ларда оператив ва яқин тайёр-
ларлик қўйилса, меҳнаткашлар-
нинг ем-хашак тайёрлашда омма-
вий қатнашувини бошлаб бориш
мумкин ва лозим. Ана шу ем-ха-

шак шаҳарларининг ва ишчи по-
селкаларининг аҳолисини янда
тўлиқ таъминлаш учун фермалар
да қўнмача маҳсулот — гўшт,
сут, туҳум олиш имконини бера-
ди.

Шу кунларда Россия дала-
ларида пичан ўриш, сенаж тайёрлаш,
сервистини ўт таққон ишлаб чи-
қариш ишлари қизиб бормоқда.
Шимолий Кавказнинг кўпгина хў-
жалиқлари бу ишларни бутуридан
анча актив олиб бормоқдалар.
Масалан, Ростов областиди июль
ойининг ўрталаригача 1970 йилги
79 миғ тонна пичан, 162 миғ тонна
пичан, икки баравардан зи-
ёд кўк ўт талқонини тайёрлаб қў-
йилди, 152 миғ тонна сенаж ғам-
ланди. Ўтган йили область сенаж
ғамлаш билан мутлақо шугуллан-
маган эди. Кубань ва Ставропол-
да ҳозир ўтган йилдаги қараган-
да уч баравар ортиқ сурьат ва
ҳажмда сенаж тайёрланмоқда.

Бирок, бир қанча автоном рес-
публикалар, ўлкалар ва област-
ларда ем-хашак тайёрлаш су-
ст бормоқда. Бу гап айниқса шимо-
лий-ғарбий ва марказий районлар-
га тааллуқлидир. Новгород, Пс-
ков, Тула, Ярославль сингари об-
ластларда пичан, сенаж ва ўт тал-
қон тайёрлашга ҳали мутлақо кири-
шилмаган. Ёки бу иш эндигина
бошланиб, бутуриги сурьатлардан
анча су-ст олиб бормоқда.

Шу куннинг энг муҳим вазифа-
си — қилинмай қолган ишларни
тезроқ бажаришдан, ем-хашак тай-
ёрлашни ўтган йилдан анча
юқори сурьатлар ва ҳажмларда
ўтказишдан ноборат. Йўллардаги
партия, совет, қишлоқ хўжалик
органлари бу ишга кўп сайин
контрол қилиб туришлари, ҳар
бир колхоз ва совхозда, район ва
областада чорвачиликни юқори си-
фатли ем-хашак билан тўла-тўқис
таъминлаш юзасидан ишлаб чи-
қилган тадбирларнинг бажарили-
шини ташкил қилишлари керак.

Шу нараса шак-шубҳасиздирки,
ҳамма жойда Москва области меҳ-
наткашларининг қизматли ташаб-
бусини актив қўллаб-қувватлаш,
кеч оммалаштириш — давлат
аҳамиятига эга бўлган ана шу
жуда муҳим вазифани муваффа-
қиятлик ҳал этишда жуда катта
амалий аҳамиятга эга бўлади.

«СОВЕТСКАЯ РОССИЯ» га-
зетасининг 23 июндаги бош
мақоласидан.

ни қараб чиқиб тартибни тўғ-
рилади ССР Иттифок Олий
Совети Президиумининг 1968
йил 12 апрелдаги фармони об-
ластининг маҳаллий совет ик-
ромия комитетлари томонидан
қандай бақарилаётганлиги тўғ-
рисида Сирдарё область икромия
комитетининг ҳисоботи тинглан-
ди.

Олий Совет Президиуми
Сирдарё область икромия коми-

— 52 гектар майдоннинг ҳар
гектаридан 35 центнердан хо-
сил кўтаришга аҳд қилганмиз,
— дейди Оққўрғон райондаги
«Ленинбод» колхозининг зверо
бошлиғи Сайин Раисов. Бу зве-
но аъзолари шу кунларда маж-
буриятга яраша меҳнат қилиша-
ётир. Ўзгалар ёппасига шонала-
япти. Звено далаларида ғўзга
тўртинчи марта ишлов берила-
моқда. Суратда: (ўнгдан) ўртоқ
З. Раисов. Ўзгага ишлов бериш
япти.

А. Абалон фотолари.

УЧУВЧИ БОШҚАРАЙТГАН „САЛЮТ“ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ
МАРКАЗИ, 24 июнь. (ТАСС).
«Салют» орбиталь илмий стан-
циясининг экинчи космоста
чиққанга ўн саккиз кун бўл-
ди.

Экинчанинг ҳамма аъзолари
ўзларини яхши ҳис қиляпти-
лар.

Станцияни қўлда ва автомат
тарзда турли режими билан
мўлжал олдирган ҳолда юлдуз-
лар билан еригнинг фотосуратини
олиш навабдига иш кўни про-
граммаси бўйича бажарилган
экспериментлардан бири бўлди.

Ўтказилган эксперимент
станция ҳаракатини турли бош-
қариш режимидаги станция
ўзини қандай тутишини тад-
қиқ этишга, шунингдек узоқ
космик учушнинг турли омил-
лари таъсирдаги станция кор-
пусининг деформацияланиш ха-
рактерини аниқлашга имкон бе-
ради.

Станцияда иш кўни програм-
масини бажариш чоғида хилма-
хил медицина ва биологик тад-
қиқотлар давом эттирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети
Президиумининг мажлиси бўлиб
ўтди. Мажлисда Ўзбекистон
ССР Олий Советига ва меҳнат-
кашлар депутатлари маҳаллий
советларига бўлиб ўтган сайлов
ақулилари муҳокама қилинди.

Президиум сайлов ҳамма
жойда юксак сибейи активлик
ва меҳнат ғайрати билан ўтган-
лигини таъкидлади. Сайлов
меҳнаткашларининг коммунистик
партия теваригига мустақим
жиғиллашганликларини, КПСС
XXIV съездининг тарихий ре-
жаларини бажаришга астойдил
бел боғлаганликларини намо-

лаштириш, омма билан алоқани
мустақимлаш ва берилган ҳу-
қуқлардан тўлароқ фойдаланиш
асосида саноат ва қишлоқ хо-
жалик ишлаб чиқаришига, ко-
мунал хўжалик ва аҳолига ма-
даний-маиший хизмат ора-
ларига раҳбарлигини яхшилаш ва-
зифасини юқлади.

Президиум мажлисида шу-
нингдек «Гражданиларнинг тақ-
лифлари, ариза ва шикоятлари-

ни қараб чиқиб тартибни тўғ-
рилади ССР Иттифок Олий
Совети Президиумининг 1968
йил 12 апрелдаги фармони об-
ластининг маҳаллий совет ик-
ромия комитетлари томонидан

КОММУНИЗМНИНГ ЁШ БУНЁДКОРЛАРИ

«Ленин комсомолнинг фаолиятига тўхталиб ўтганимизда, ёшлар тўғрисида, партиянинг ёшлар ўртасидаги иши ҳақида гапирамиз. Бу ўринда фақат бир нарсани таъкидлаб ўтишни истар эдик: партия ёшларга доир проблемаларга, уларнинг орзу ўйлари, манфаатларига катта эътибор бериб келди ва бундан буён ҳам катта эътибор бераверади. 30 ёшгача бўлган ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этади. Ёшлар — бизнинг келажагимиз, бизнинг ўринбосарларимиздир».

Л. И. БРЕЖНЕВ.



Бу қувноқ йигит-қизлар ўзбайрамларини муносиб кутиб олдилар. Мукаррам Умурзоқова ҳам, Фатхулла Зиёев ҳам, Жалил Халилов ҳам, Фарид Одилова ҳам Тошкент экспериментал инжигирув фабрикасининг илгир ишчилари. Ёшлик куч-ғайратига тўлиб-тошган ёшлар юриш-туришда, жамоат ишларида ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

ЗАМОНАМИЗ ҚАДРИГА ЁТИНГ!

Ҳар сафар институтга йўл олар эканман, кўз ўнгимда студентлик йилларим жонланади. Ушанда қийинчилик билан ўқирдим. Қундуш лекция тинглаб, кечкурун воқалда кўмир таширдик. Тиринчилик шунинг талаб қиларди.

Ленин, бу мисолдан бошқача хулоса чиқарманг. Одам ҳеч қачон шароитдан нолимастлиги керак. Унинг истиги, мақсад йўлидаги интилиш ҳаммасидан устун бўлиши керак.

Бир собиқ студентни мисола келтирмакчиман. У тиринчилик, яхши ўзлаштирувчи талаба эди. Ёшнинг, унинг етим эканлигини, моддий муҳтожлигини билмасдик. Бир кун у иш юзасидан уймак келганида ҳаммасини тушунди. Бу йигит аҳолининг ҳеч кимга сезилмай, билим олиш учун ҳар қандай қийинчиликларга ҳам чидаб келаркан. Ушга йигит ҳозирги кунда кўпчилик билан олган, фан кандидати Зоҳир Гафуровдир.

Сиз, студентларга ҳавасим келади. Ўқш йилларингиз яхши замонада ўтмоқда. Фан йўлида қанча интиласангиз, қанча қулоқ ёксангиз, ҳаммаси қўлингиздан келади. Ишончлигингиз ҳам кенг.

Студентлик — билим олиш йиллари. Ҳаётда бўладиган интихонлар аудиториялардагидек эмас. Ўнда янгилиқни қийинчиликларга бардош беришга тўғри келади. Сиз студентлигини шундай ўтказингиз, бу йиллар билим олиш, иродани тарбиялаш, юксак инсоний қасдларнинг қамол топтириш даври бўлсин.

Буни жонажон партиямиз, халқимиз талаб қилмоқда.

Э. ЮСУПОВ, профессор.



ОҚ ЙЎЛ

Бу йил СССР Давлат банкига қарашли Тошкент ҳисоб-кредит техникуми 270 талабани мустақил ҳаётга узатди. Техникум ташкил топганидан буён шу кунга қадар халқ хўжалигининг турли тармоқларига ёш иқтисодчилардан 11 минг кишини тайёрлади.

— Битирувчиларнинг кўпи фақат «4» ва «5» баҳоларда ўқиди, — дейди техникум директори Асад Абдуллаев, — Шулардан 30 студент илм-билим олишга муваффақ бўлди.

Ёш мутахассислар ўз иқтисодиклари бўйича ишлаш учун йўланма олдилар.

А. НОДИРОВ, студент.

БАХТИЁР ҚИЗ

Ўзал ва навиқрон Чирчиқнинг серфайз қўчасидан бир қиз ўтиб борибди. У хайла берилиб кетган кўринади. Қим билсин, у нималарни ўйлаётган экан шу тоғда. Балки, бутунги машгулотлар студентларда қанчалик қизиқиб ўйотганлигини, балки эртага бўладиган машгулотларини қайси йўл билан янада қизиқарилоқ, янада тушунарлироқ ўтказишни ўйлаётгандир! Ҳа, у ёш бўлса ҳам ўз талабаларига, студентларига эга.

Хикоя қилаётган олижаноб қалб эгаси Ўлмасхон Налибаева бўлади. Ўлмасхон Налибаева 1968 йилдан бери Чирчиқ шаҳар медицина билим юртида бўлган ҳамшираларга қулоқ томоқбурун касалликлари фанидан дарс бериб келмоқда.

Ўлмасхон ишлаётганга энггина уч йил бўлди. Ленин, шунга қарамасдан у насбдошларининг, студентларининг ва шаҳар меҳнаткашларининг хурматига сазовор бўла олди. Обрў орттириш, инсонлар хурматига сазовор бўлиш осон эмас, албатта.

Ўлмасхон Тошкент медицина институтини муваффақият билан тугатган Чирчиқ шаҳар медицина билим юртига йўланма олди. Дарс бера бошлади. Биринчи кунлари қийин бўлди. Ёш ўқитувчи осанираб қолмади, балки бутун кунини, бутун ғайратини дарсларни яхшироқ тушутиришга қаратди. Ўлмасхон ҳар бир дарсдан қандайдир янги-янги фикрлар билан мамнун чиқарди. Унинг таърибиса кун сайин ортиб борди.

Студентларга ўқитувчи жуда ёқиб қолди.

Ёшлигини орзу қилган врачлик касбини ҳам ташлаб қўйгани йўқ. У биринчи шаҳар

ЭРТАГА СОВЕТ ЁШЛАРИ КУНИ

ОДОБ—ИНСОН КЎРКИ

Бир дошимаил: «Заковат эгасининг фазилати нимада?» деб сурашганда: «Ҳақиқат ва адолатни севишда» деган экан. Рост гап. Ҳақиқат, адолатни севган кишилар заковат эгаси бўладилар. Ёзувчи Достоевский айтганидек, «Ҳақиқат шуъласи қаршида ҳеч қандай туман бардош бера олмайди».

Улуғ одамлар оддий, кичкина нарсаларда ҳам улуғлигини кўрсатади. Йўл-йўлакай бир воқеани айтиб ўтай. Институтлардан бирига тайинланган янги директор олдинги хизматчилардан бири кириб, ҳамкасблар тўғрисида бўлар-бўлмас гапларини айтади. Директор: — Ўзингиз ҳақингизда нима дейсиз? — деса, у «Ўзим ҳақимда нима дер эдим» деган.

— Ҳар ким аввал ўзига баҳо бериши керак, деди директор. — Сиз ўзингизни билмасиз-у, бошқаларни қайдан биласиз?», деб унга дашном берганди.

Бировлар ҳақида ёмон таассурот қолдирганлар ҳам бўлади. Халқнинг «Ўзингизни билмасангиз, ўзининг меҳри кўтарилади» деган гапи жуда тўғри.

Заковатли, одим одамлар, ҳасрат қилмаганларидай мақтанмайдилар ҳам. Қамтар кишилар тилга аҳтиёт бўладилар. Хурматсизликка олиб келадиган бемаза ҳазил ҳам уларда бўлмайди. Бирова таълид қилиб гапириш ҳам одобдан эмас.

Хушфезл кишиларнинг дўстлари кўп бўлади. Ҳеч ким улардан ёмонлик кутмайди, бинобари уларга нисбатан ёмонлик соғинамайди ҳам.

Кўринадики, яхши ҳислатларни оёқ ости қилмаслик учун инсон қамтар бўлиши керак. Бу одамдаги гузал хулқнинг ўзи ўзгаларга қилган энг яхши насиҳатдир. Улардаги гузал хулқнинг ўзи адолат, ҳақиқат, ҳиммат, муруватли ёшлар руҳига доимо сингдира боради.

Зотан, ундай бўлинг, бундай бўлинг десаю, сўзи феъл-атворига тўғри келмаса, унинг қилган насиҳати фойдасиз. Ундай тарбиячи-нинг сўзи қулоққа кирмайди.

Яхши тарбия натижасида ёшлар виждонли, эзгу ниятли, ўйлагани яхшилик, хушфезл, ўз сўзининг устидан чиқадиган бўлиб ўсадилар. Виждон ҳар қандай арамаслиқни кишидан узоқлаштиради. Виждон ёруғ бир йўлки, бу йўл саодатга олиб боради. Ҳар вақт ақл, виждон бўйруғи билан юрмаса, афсус-надоматдан, зулм-жаноҳатдан, уят ва ҳижолатдан узоқ бўлмайди.

Минг афсуски, айрим ҳолларда бунинг акси бўлади. Булардан бири — икки юзламачиликдир. Ёш икки юзламачиликни рибкор деймиз. Бундай кишилар кимнинг аравасига тушса, кимнинг отига минса, ўшани мақтаб кўнги айтади. Асл-оқибатда, бу мунофиқликка олиб

келади. Икки юзламачилик ҳақида Саъдий Шерозий гапириб: «Олдинда қўйнинг ишини қилиб, орқандан бўрининг ишини қиладилар» деган.

Иккиюзламачиликдан қочиб керак. Бу йўлда сарф қилинган пул, мол биронинг хурмати учун ҳам, ўзининг манфаати учун ҳам фойдаси йўқ. Бундай кишиларнинг мақсадлари ўзини кўрсатиш, ҳатти-ҳаракати шуҳрат қозониш учундир. Улар сўзга ёлгон аралаштирадилар, ёлгончилар халқ ишончини йўқотиб қўядилар. Натижада дўстсиз қолади. Одам учун дўстсиз қолишдан хавфлироқ қулаёт йўқ.

Одоблилик, хушфезлликни ҳамма сифатларнинг яхшироғи, ўзалроғи дейдилар. Зотан, ҳуснидаги гузаллик феъл-атворнинг яхшилигида, ширин сўз, мулоимликда кўринади. Яхши, хуштабат кишилар билан ҳамсухбат бўлиш — саодат дейдилар. Бу нарсани қилган ором, руҳга озиқ беради.

Инсонга, ҳаётга бўлган муҳаббат одамни одобли, қамтар ва ҳаётгўй қилиб қўяди. Ёмон сўзлардан, тубан ишлардан саяқлиб, ўзингизни ва бошқаларнинг обрўсини тўкмаслигини, катталарни, ота-оналарни хурмат қилиб, бошқалар билан маънавий ақид бўлиши сизнинг одобингиздир. Хушфезл, хуштабат бўлиш, саодатли одамга бўлган хурматдир!

Музаляна АЛАВИЯ.

ҚАЙНОҚ МЕҲНАТ ҚУЧОҒИГА

Бизнинг мактабимизда ҳам ёшларнинг касб танлашлари масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бу йил ҳам бизда қишлоқ хўжалик асослари бўйича амалий машгулотлар олиб борилади. Ўқувчи синфни тугатаётган ўқувчиларнинг кўпи фойдали касб эгалари бўлди. Шунинг

БИНОКОР УЎЛИ—НУРШУНОС

Хусниддинга қурувчилик ота касб. «Уста Нуриддин» деб сўрасангиз, «Арпапо» маҳалласида яшовчи каттаю-кичик унинг қайси уйда туришини айтиб беради.

Хусниддин дадаси уста Нуриддин билан қуриладиган кўпчилик бирга бўларди. Яхши уста бой назарий билим эгаси бўлиши керак. Бунинг яхши тушунган Хусниддин Тошкент политехника институтини қуриш факультетига ўқишга кирди. Студентлик йилларида ҳам вақти-вақти билан дадаси ёнида бўлди.

Олий ўқув юртини тугатган, аспирантурага кирди. Политехника институтининг санавтотраждан қуриш факультетига доцент И. Г. Суҳанов раҳбарлигида илмий иш олиб боради. Хусниддин Нуриддин «Ўзбекистон шароитида мактабларнинг табиий еришнинг ҳисоблари ва нормалаштириш» деган темада диссертация ёзиб, техника фанлари кандидати бўлди.

Кўш нури инсон ҳаёти учун жуда зарур. Лекин кўш нури меърида бўлгани маъқул. СССР «Госстрой» томонидан тасдиқланган қуриш нормалари ва қоидалари СНИПнинг табиий ериш бўлимида даразалар катталиги ўлчови берилган.

Бунинг иккинчи мулоҳазали томони бор эди. Биринчидан, СНИПда хонанинг нормал табиий еришлини учун дараза катталиги меъри бўлган қуриш нормалари белгиланган. Иккинчидан, бино қайси томонга қаратиб қурилганидан қатъий назар, даразаларнинг катталигини бир хил қилиш кўрсатилган.

Олим бу масаланинг атрофлича ўрганиб, биноларнинг табиий еришлини, яхшилаш билан боғлиқ таклифларни киритди.

Дараза катталигининг бўлтули қуришга мувофиқлаштирилганлиги — мамлакатимизнинг осмон қўлига бўлтули бўладиган шимолӣ районлар учун мос келади.

Бунинг Ўзбекистонимиз аса,

- Тошкент тепловоз депосининг машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори Олим Тўлаганов ўз касбдошлари орасида катта обрў қозongan. Суратда: машинист О. Тўлаганов.
- И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҲИКМАТЛАР

- Ёшлар бамқосли хазина, ундан истаган бойлиқни топиш мумкин.
- Ёшликда ўрганган ҳунар, ўзинга ўлка қолар.
- Ҳунар қўлингиздаги тилда узукдан ҳам аълолигини ҳеч вақт унутма.
- Севган ишнинг қуёш зиясидан ҳам афзал.
- Қилаётган ишнинг сев-ғил, шунда ҳатто энг оғир, машаққатли меҳнат ҳам ижодиёт даражасига кўтарилади.
- Ҳаётни қанча яхши севсанг, ўзинг унга тўсқ қўйма.
- Яхши фарзанддан раҳмат — ёмон фарзанддан лаънат.
- Қобил ўғил от миндиран, Ноқобил ўғил отдан миндиран.
- Ақл кўпга етказар, Ҳунар кўпга етказар.
- Хуснига, ёшлигига ортиқча ишониб турмушининг нозин томонларини ўйламаган қиз кейинчалик панд ейди.

Гап тагида гап бор

ЭҲТИЁТ ЯХШИ

Бир йигит даштда ов қилиб юриб, қаттиқ ташна бўлибди. Отини буриб, қишлоқ томон йўл олибди. Биринчи эшикни очиб қараса, бир кампир юрган экан. Ундан: «Бир пиёла сув беринг» деб илтимос қилибди.

Кампир бир коса сув олиб келди, йигитни кўрибди, нимагадир йиқилиб тушибди. Кампир уэр сўраб, қайта сув олиб чиқиб учун уйига кириб кетибди. Йигит аса сабрсизлиги билан сув кутиб тураверибди.

Бироздан сўнг кампир косада сув олиб чиқиб, йигитга туққазибди. Сувни бир зумда

ичиб бўлгач, йигит кампирдан: «Онажон, нега йиқилиб тушдингиз?» деб сўрабди. Шунда кампир: «Болам, сиз харсизлаб, терлаб турган экансиз. Бундай вақтда совуқ сув ичиш кишини касал қилиб қўяди. Йиқилиб бўлса ҳам вақт ўтказишга, шунинг билан бирга сизни совутишга уриниб кўрдим» дебди.

Йигит кампирнинг донолигига офаринлар айтибди.

ДАРДНИ БИЛМАСА...

...Қуларнинг бирида бир чол Луқмони ҳақини яна уч-ратиб қолди. Шунда ота:

— Тақсир, сиз қизим бедаво дардда қалинганми қандай билган эдингиз? — деб сўрабди. Луқмони ҳақим дебди.

— Қизингиз кўчада нела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Бу жавобни эшитган чол шарт-этиб, нешонасига урибди. Кейин дебди:

— Э, аттанг, қизим ўша кун шотут ёб эди, сиз кўрган туфук шотут шарбатик-ку! Эй, аттанг...

Шунда Луқмони ҳақим чол олдида тиз чўкиб, уэр сўрабди: «Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан со-

па-соғ одамни ўлдириш ёки иккинчи сўз билан беморни оёқ-қа бостириб юбориш мумкин экан! Юнонликлар «Дардин билмасанг, яхшиин сен беморни тинч қўй» деб бекиз айтмаган эканлар, дебди.

З. ЭҒАМБЕРДИЕВ, республикада хизмат қўсатган врач.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат унверситети ҳақини равишда интернационал ёшлар оиласига айланган. Бу ерда 30 дан ортиқ миллат фарзанди таҳсил кўрмоқда. Суратда кўриб турган бу ёшлар шу олий ўқув юртининг аълочи-студентларидан.



МУКОФОТ МУБОРАК

Социалистик Чирчиқ кўни сайини чирой очиб бормоқда. Ушшаб маданий-маиший, турар-жой бинолари қад рост-дакит. Уларнинг барчасида «Чирчиқкистрой» бошқармаси кўни гул бинокорларининг улуши каттадир.

Кўни кеча қурилиш ташкилотлари ва муассасалари биринчи квартал план топшириқларининг натижалари маълум бўлди. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги коллегии ҳамда республика касба-соҳалари совети президиуми соци-

алистик мусобақа натижаларини кўриб чиқиб, «Чирчиқкистрой»ни иккинчи даражада мукофот билан тақдирлади. Шунингдек қурилишда жонбозлик кўрсатган кўнгилна бунёдкорлар ҳукуматимиз ордени ва медаллари билан тақдирланди. Жумладан УНР—225 бетончилар бригадаси бошлиғи Тешабой Рўзиматов, УНР—225 комплекс бригадаси бошлиғи Фахриддин Раҳматов Оқтоб революцияси ордени билан, Бой-

булла Оқмуллаев эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Жами 160 қурилиш трестининг 40 га яқин қурувчиси партия ва ҳукумат мукофотиغا сазовор бўлди.

АЛОҚАЧИЛАР МУВАФАҚАЯТИ

Область алоқа бошқармаси ва касба соҳалари область комитети алоқачиларнинг партиянинг XXIV съезди мусоба-

ти билан олган социалистик мусобақаларига яқин ясади. Мусобақада энг яхши натижага эришган Чирчиқ шаҳар алоқа тармоғи коллективининг биринчи ўринини эгаллаб Қўма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланди.

ГОЛИВЛАР АНИҚЛАНДИ

Шаҳар корхоналари деворий газеталарининг кўриги бўлиб ўтди. Қўриқда «Чирчиқсельмаш» заводининг темирчи-

лик-пресслаш пехида чиқариладиган «Қўма» деворий газетаси биринчи ўринни эгаллади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

«Ўзбекхиммаш» заводи ишлаб чиқараётган турли хил химиявий аппаратларнинг сифатли бўлиши уларнинг юқори босим остида пайвандлашига боғлиқ. Агарда пайвандлаш

бирор камчиликка йўл қўйилгудек бўлса, иш қўйилгудек бўлмайди, дебериш. Ана шу жараёни иккинчи мақсадда Полтава илмий-техника ва конструкторлик технология институтига буюртма берилди. Улар саноатда қўлланиладиган махсус интроскоп тайёрлаб берди. Натижада пайвандлаш сифатини телеэкран орқали кўриш имконияти туғилди.

Хозирги кунларда бу янгилик корхонанинг барча цехларида қўлланилмоқда. Назорат қилиниши бу янги усули йилга 50 минг сўм маблағни қўтисод қилиш имконияти берилади.

О. ЛЕВАК.

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Бўстонлиқ районда роталар ҳамда бошқа мавзуларда қизилқарни суҳбатлар ўтказилди.

П. П. Карпов ва Н. Ризаевлар Улуғ Ватан урушининг бошланғичи, Коммунистик партиянинг ташкилотчилик роли, қўлга киритилган буюк ғалаба ҳақида сўзлаб берди.

Сўнгра пионерлар тантанали йилгида ота-боболар ниятига содиқ қўлажақларини айтиб, меҳмонларни ўзларининг турли ўйинлари билан мамну этишди.

Н. АХМЕДОВ, область «Билим» жамиятининг референти.

ўқувчи ёшларга уруш таассу-роталари ҳамда бошқа мавзуларда қизилқарни суҳбатлар ўтказилди.

П. П. Карпов ва Н. Ризаевлар Улуғ Ватан урушининг бошланғичи, Коммунистик партиянинг ташкилотчилик роли, қўлга киритилган буюк ғалаба ҳақида сўзлаб берди.

Сўнгра пионерлар тантанали йилгида ота-боболар ниятига содиқ қўлажақларини айтиб, меҳмонларни ўзларининг турли ўйинлари билан мамну этишди.

Н. АХМЕДОВ, область «Билим» жамиятининг референти.

Дўмбирободда очилган кўп ихтисосли клиник касалхона хизматидан беморлар мамнундирлар. Бу ерда даволашнинг турли илгор усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Суратда: шифохонанинг умумий кўриниши.

В. ТАРАН фотоси.



АМАЛИЙ ИШ БИЛАН

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда маданий ўчоқларнинг роли ва иштироки каттадир. КПСС XXIV съездида юртимизда маданий ўчоқларни маърифат даргоҳларига ҳисобланади. Уларнинг фаолиятини жонлантириш учун эса жонбозлик билан иш юритиш лозим.

Шунинг учун биз маданий-ўқув ишларининг барча шакли ва усулларидан кенг фойдаланилмоқдамиз.

Областимиз миёсидида маданий муассасаларда кўпчилик клубларида, маданий уйларида, истироҳат боғларида томиш лекциялари, савол-жавоб кечалари, оғзини журналлар илгор пахтакорлар, ишчилар сийфининг машаалари, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Айниқса, Калинин, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ районлари ва Олмалиқ, Ангрен, Беканбод, Янгиёул шаҳарларида бўлиб ўтган «Ленин орзулари йўлида», «Тўққизинчи беш йилда Тошкент области», «Бизнинг машааларимиз» каби мавзуларга бағишланган тадбирлар кишиларда яхши таассурот қолдириди.

Шуни фахр билан айтиб ўтиш лозимки, бешинчи ҳаваскорнинг коллективларининг сони кўндал-кунга ортиб бормоқда. Хозирги кунда 512 тўғарак ишлаб турибди. Улар га 6000 дан ортиқ ҳаваскор атқо.

Халқ театллари фаолияти областда дуруст йўлга қўйилган. Янгиёул шаҳридаги халқ театллари ҳамда Ўрта Чирчиқ районидида «Поларная звезда» коллективининг

халқ театллари КПСС XXIV съездида атай ўз репертуарларини янги асарлар билан бойитдилар. Улар Уйғуннинг «Парона», «Сайгон юлдузлари» номли замонавий асарларни сахналаштирдилар.

Область халқ юқоди уйи кутубхона ходимлари билан иккундий ҳамкорликда КПСС XXIV съезди қарорларини тағин ҳам кенг тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тадбирларни белгиледи. Жумладан, кутубхоналарда «В. И. Ленин — меҳнаткашларнинг устози ва дўсти», «Ленин номи ҳар бир инсон қалбига», «Ленин ва Ўзбекистон», «Ленин ва шарқ юрти», «В. И. Ленин образи» каби мавзуларда китобхоналар конференциялари, тематик кечалар ўтказилди ва ўтказилмоқда.

Автомобиллар фаолияти ҳам жонлантириб юборилди. Марказдан уюшқа йиғинчи кишлоқ меҳнаткашлари, отарлардаги чорваларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун 20 дан ортиқ автомобил аэратилди.

Юқори Чирчиқ райони бўйича ҳаракатда бўлган автомобил хизматидан «Правда», Карл Маркс номли, Калинин номли, Свердлов, «Ленинбод» кўчқозлари чорвалардаги хурсандидилар.

Маданий-ўқув ишларини тағин ҳам яхшилаш мақсадида маданий йўл-ўйинлар, ёнларий пилларини шаҳар ва район маданият бўлимларига юборилди.

Т. РАВШАНОВ, область маданият бошқармасининг ходими.

АНТИҚА ВОҶЕА

Оламда антиқа воқеалар кўп бўлиб туради. Бир қулдиради, бири ажаблантиради, бири ҳайронлантиради, яна бири... Шунанқалар тўғрисида ўйлаб ўтириб қизиқ ҳангома осимга тушиди.

Бир идоранинг бошлиғи меҳнат отпусчасига кетаётган ўрнига ерданчисини қолдиради. Отпусқа тугайди, бошлиқ ишга қайтиб келади, кабинетига кириди. Ҳўнида ерданчиси ўтирибди. Салом алейку, ҳол-аҳвол сўраш бўлиб ўтади. Ўринбосар яна бошлиқ креслога қайтиб ўтирилади. Идора бошлиғи ишга келганидан бештирилади. У линак бўзмайди. Креслони маҳкамроқ ушлаб олади, бошлиқ ҳайрон.

Оғайни, биз энди келдик, ўрнимизга ўтирсан бўларди, дейди у бироз ҳақли қилиб, — ҳали мени бу идора бошлиқидида бештиришгани йўқ.

Сиз йўқлигингизда, биз ҳам ёмон ишламадик, бошлиқ қилиш қўлимиздан келади, ҳужайни, — дейди у ҳамон жиддий қиёфада.

Креслоли идора бошлиғига қайтариб бериш ишига юқори қор лавозиндаги одамлар араслашди. Шунда боғли ўринбосар тикхилди билан рози бўлди, аммо идора печатининг юмалоқ резинақсини сидириб олиб, гарч-гўрч қайнайдида,

ютиб юборида ва шундан кейин бўйинини қўзиб: — Ана энди, креслоингизни олаверинг, барбир печат сизнинг қўлингизга тегмайди, дейди.

ФЕЛЬЕТОНЧИ ЛУҚМАСИ

Худди шунақа амалларест ўринбосарнинг ишига ўхшаб кетадиган, ғалати қилиқ Оқтоб райони пишчоторига қарашли «Холодильник» базасида ҳам содир бўлди. Тўғри, бу ерда ҳали ҳеч ким печатининг юмалоқ резинақсини чайнаб ютиб юборгани йўқ, аммо печатни чағаллаб олганча ҳеч кимга бермаётган одам бор.

Малик Раҳимов исми бу киши ҳаммадан хуноб қилмоқда, асабини буюмоқда. У пишчотор раҳбарлари олдига «Хўб бўлади, сизлар айтидларингизми, мен базанда муовин бўлиб ишлайман, деб ўз хоҳишини билдириди, лаби бичалгунча, шу тўғрида ваъда берди. Эшикдан, ниқини билан «Сенларни тушунгундан бойлаб ўйнатмасам, Малик отини бўлак қўймам, базани олиб бўлбсанлар мендан» деб тишини ёриқиллатиб қўйди.

Райпишчотор директори буй

руқ чиқариб, шу идора партия ташкилотининг секретари Хубиевни базанда директор қилиб тайинлади. Бўйруқдан Раҳимов хабардор қилинди. Иш тоширувга келганда у

ФЕЛЬЕТОНЧИ ЛУҚМАСИ

яна оғини тираб олди. — Хўш, менинг Хубиевдан қарим нам, нега мени ишдан олишди, йўқ, бу менга ёқмайди...

Хубиев партия ташкилотининг секретари, у бунинг учун маош олмайд. Бирорта иш билан таъминлангани зачатни чағаллаб олганча ҳеч кимга бермаётган одам бор.

Хўш, Хубиевга шу базадан бошқа жой маъжуб келмайдими? Ана сўрайди Малик Раҳимов.

Хозирча шундай жой йўқ, сиз ҳавотир олманг ўртоқ Раҳимов, сизни маоши кўпроқ ишга юборамиз. Ваъда беришди торг раҳбарлари.

Менга маош эмас, база керак, — шарт кесди Раҳимов. Мана шундан бери анча вақт

ўтди. Лекин Малик Раҳимов ўз айтганида ҳамон метиндек қаттиқ турибди. Идора раҳбарлари ҳам, бу воқеада хабардор бўлган кишилар ҳам ҳайронда. Нима учун Малик Раҳимов базанда ёпишиб олган?

Бу томони бизга қоронғи. Базандаги ишнинг қуюқ—сууқлиги Малик Раҳимовга маълум. Лекин биз бир нарсасга ҳайронимиз. Оқтоб райони пишчоторига ўртоқлар ўз қўл остиларидида база директорини ўзгартириш учун тағин нима сабабдан шунча вақтдан бери қўзиб юрибдилар. Ким директор, нам ўринбосар, буларнинг ҳаммаси бўйруқ билан ҳал қилинади. Маълумки, идорада чиқарилган бўйруқ у ерда ишлайтганлар учун қўйи. Бунинг устига пишчоторга тайинланган янги директор бу масалани бартаф қилиш ўрнига нима учундир пайсалга солиб юрибди.

Агар чиқарилган бўйруқ амалга оширилмаса, база директори тизроқ тайин этилма, балки Малик Раҳимов ҳам юқоридаги каби печат резинақсини ютиб юбориб, нима қилсаларини қилаверларинг, деб айтганида қаттиқ турадиганга ўхшайди.

Оббо, Малик Раҳимов-ей...

М. ИБРОҶИМОВ.

ОЗОДАЛИККА НЕ ЕТСИН!

«Пул йўқотсанг — ҳеч нарса йўқотмайсан, вақтинг беқор кетса, кўп нарса йўқотсан. Аммо, саломатлигини йўқотсангчи, ҳамма нарсани йўқотсанг» деган рус халқ мақоли бор.

Ҳа, сиҳат-саломатлигиди гап кўп. Тозалик, озодаликка риоа қилмай туриб, саломатлигини таъминлаб бўлмайди. Санитария-гигиена қоидаларига риоа қилиб, тўғри овқатланиш, меҳнатдан сўнг, мириқиб дам олиш киши саломатлигининг энг муҳим ва асосий манбаларидан ҳисобланади.

Кундалик турмушимизда инсон соғлиғига зид бўлган бир қанча фойдаланган турмуш қоидалари билиш фойдадан ҳоли эмас.

Безинг иссиқ кунлариди турли микроблар учун яхши шароит туғилади. Пашша касаллиқ ютирувчи ҳашаротлар Турар-жойларнинг ифлос бўлиши пашшаларнинг қўпайишига кўлай шароит яратди. Ахлатларнинг уюлиб этиши, қўчаларга сув семаиласи натижасида ҳам микроблар қўпайди. Улар ўпка, бронхит, нафас еқиллиши касаллиқларининг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Ез кунларида бопаларгина эмас, катталар ҳам кўл ва оқар суларда чўмилидилар. Аммо, оқар сулар ҳар дом тоза бўлади деб бўлмайди. Айрим бефар қишлар ахлатларни ариқ, анҳорларга ташлаб, тоза сувни булғатадилар. Ана шундай суларда чўмилиш соғлиқ учун хавфлидир. Қўпичча қорин тифи, паратиф, ичбурқ касаллиқлари ифлос сув орқали тарқалади.

Кўча ва бозорларда шахсий кишилар томонидан турли овқатлар сотишга чек қўйиш лозим. Ахир, бундай жойларда тозаланиш қилинмайди. Ён атраф ифлос бўлиб ётади. Хўрандалар бунга эътибор ҳам қилинмайди. Овқатланиб кетаявердилар. Аммо, ифлослик оқибатида ўзлар касаллиқ ортирганиликларини билмай қоладилар.

Хонадонларнинг тоза ва майдонларнинг тоза ва озода бўлишига нима етсин! Шунда кишиларнинг дили пок, табиати равшан бўлади. Энг муҳими, турли касаллиқларнинг олди олинади.

И. ФОЗИЛОВ, республикада хизмат кўрсатган врач.

Спорт

ЕТТИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

Софияда давом этаётган штагачиларнинг Европа чемпионати қизғини паллага кирди. 108 та медалдан 60 таси ўз эгалларини топди. Ҳар бир вази тоғфасида кескин кураш бўлмоқда. Ярим ўрта вазилилар баҳсида совет полвоин Виктор Куренцов ҳамма рақибларидан ўзиб кетди. У уч машада 462,5 килограмм натижа кўрсатиб, Европа чемпиони бўлди. Бу совет полвоинининг еттинчи бор кўтанинг энг кучли штагачиси сониини олишдир. Иккинчи ўрин неггер спортчиси С. Сарвашга (460 килограмм), учинчи ўрин чехословак штагачиси О. Хекелга (452,5 килограмм) тегди.

ЧИРЧИҚ ШАХМАТЧИЛАРИ ГОЛИБ

Республика шахмат-шашка клубида пионер дружинилари ўртасида шахмат мусобақасининг финали бўлди. Область биринчиликларида ғалаба қозонган командалар куч синашди. Пойтахтими спорт шарафини Чирчиқ шаҳрининг пионер дружинаси ҳимоя қилди. Шаҳардаги 10-мактаб команди

си Тошкент шаҳрининг 160-мактаб ёш шахматчилари билан финалда учрашди. Чирчиқчилар 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, республика чемпиони бўлдилар. Улар Вутунитифоқ мусобақаларида қатнашдилар. С. ТИТОВ.

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Тошкентдаги «Пахтакор» стадиони спорт залида Ўзбекистон ўқувчилар XXII спартакиадада программасига киритилган қилибозлар мусобақаси ўтказилди. Юзга яқин ёш қилибозлар иштирок этган бу мусобақада Тошкент шаҳри командаси голиб чиқди. В. Шестаков, Е. Алибеков, А. Бегров ва Л. Агудилова спартакиада чемпиони номини олидилар. Иккинчи ўринни Тошкент область командаси, учинчи ўринни фарғоналиклар эгалладилар.

Шу кунгача ўқувчилар спартакиадада программасига киритилган спортнинг беш тури бўйича мусобақаларга яқун ясалди. Олдидида 60 очко билан Тошкент шаҳри командаси бормоқда.



ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА

Тошкент денгизига уч кун мобайнида сув остида сузиш бўйича республика мусобақалари ўтказилди. Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Хоразм област вакиллари қатнашган бу мусобақада пойтахтликлар тўла устуллик қилдилар.

Улар команда ҳисобида биринчилиқни олишди. Спорт мастери Татьяна Дергачева, Виктор Суходулов, Александр

Плитнев, Виктор Еремин, Риди Павлова, Наталша Мерлан ва бошқалар 1971 йил республика чемпиони бўлишди. Голиблар республика ДОСААФ қомитета-рининг дипломлари ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирланмишди.

Суратда: республика чемпиони спорт мастери Виктор Суходулов. Фото ва текст Н. СЕРГЕЕВНИК

ҲАР ТЎҒРИДА

ЎТ ЕРДАМИДА ҚАЗИБ ОЛИНГАН ОЛТИН

Қозғистон политехника институтидида тоғ жинсларини емириш янги методлари лабораториясининг бир гурупи олиғларни автомат тарзида дистанцион бошқариладиган агрегат яратди. Шахтада одам бўлмаган ҳолда бу агрегат диаметри 5 сантиметрдан 1 метргача борадиган тизла қатламларини қазийди. Механизм юксак унум ва тежам билан ишлайди.

Термик горелка ўти тоғида шу қадар шитиб қилиб ўриладики, тоғ 300 градууса қадар қизиб ултуради. Бу пайтда тизлалар тоғ эримай, «қуқаланади» ва майда-майда бўлиб кетади. Ишлаб чиқариш синовларидан маълум бўладики, қазиб олинган рудадиги лроқсиз жинс миндори камайтириш ҳисобининг ўлдангиза шахтадаги ҳар бир бўлини қазийда 40 минг сўмгача пул тежаш мумкин экан. Шу

билан бирга рудадиги металл (олтин) миндори 60 процентга қадар қўнар экан.

УН ШЕРИ

Боқулик архитектор Улев Львович Берборов ва унинг қайлини Нина Петровна тез-тез шахарда сайр қилиб туришди. Бу олиғлар сайр бошқаларидиқдан фарқ қилди. Улар ҳар гал сайрга қилишганда ўзлари билан бирга... Кинг лақаби 14 ойлик шерни ҳам олиб чиқиша-

ФИЛ—ГЕОЛОГ

Ҳаммаси ўтган асрнинг охирида Ассомдаги темир йўл қурилиши пайтида бошланди. Фил чакалордагиди ишни тугатиб, лагерга қайтар эди. Одамлар унинг оёидиги қора йилларини доғни қўриб қолди. Филнинг изидан кетма-кет ордага қайтган кишилар ботқоқлик олдидан чиқибди. Ботқоқ-

лик юзасидан нефть доғлари йиллариб кўзга ташланар эди.

Ассомдаги бу нефть конини кишилар 1890 йилда топшган. Хозирда унинг базасида Ҳиндистонда энг қадимги ҳисобланган нефтни қайта ишлаш корхонаси ишлаб турибди.

Ассомдаги бу кон қайд этилганда кейин кейинги ярим аср мобайнида Ҳиндистонда ҳеч қандай қидирув ишлари олиб борилмади. Англиялик колони-затлар Ҳиндистонда ўз нефть маҳсулотларини учун даромад манбаини иккони борича узоқ кўлда сиклаша ҳаракат қилишди. Иккинчи жаҳон уруши ара-фасида мамлакатда геология

хизмати билан бор йўғи 27 киши банд эди. Ана шу 27 кишининг орасида бирорта ҳам нефть мутахассиси йўқ эди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистонда нефть қилиш тоған геолог... Фил бўлганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 01576 ИНДЕКС — 64697. № А—1779.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Биринчи программа

Кино

Ассосий зарба (2 серия) — САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 11 ярим, 2, 4 ярим, кеч 7 ва 9.15 минутада).

Осмонинг бир бўлаги — «МОС.КВА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (шубфт соатларда).

«Ўзбекионцерт»

ҚОЗҶОҒИСТОН «САЛОМ» ЭСТРАДА АНСАМБЛИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

Таниқли Қозғистон эстрада артистлари иштирокида инки бўлимдан иборат катта янги программа.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

«МИРЗО УЛУҒБЕК»

«ОЛТИН ДЕВОР»

АСОСИЙ РОЛЛАРДА:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғ. АЪЗАМОВ, Ш. ҚАНОМОВ, С. ҚАРИМОВА, Х. НАРИМОНОВ, З. САДРИЕВА, Т. СУЛТОНОВА, С. ОЛИМОВ, С. ГАБИВУЛЛАЕВ, А. ТУРДИБЕ, Ж. ТОНИБЕ, М. УМАРХУЖАЕВ, О. ҲАСАНОВ;

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Т. АЗИЗОВ, Р. ИБРОҶИМОВА, П. САДИҚОСИМОВ, Т. ТОНИБЕ, Т. ХОНТУРАЕВ, О. ЮНУСОВ, Х. ЮНУСОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Коллектив бўлиб кўриш учун завақалар қабул қилинади.

Янгиёул шаҳар савдоси ва умумий овқатланиш қолдони-тилари умумий овқатланиш комбинатининг директори Рустам

РАҲМАТУЛЛАЕВНИНГ

Безафот этганининг чуқур қайғу билан билдилади ва маркумнинг оиласига таъзия ишор қиладилар.